



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 29 июль, № 148 (5315)

Жума

## БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Андижон вилояти бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги саноат марказларидан бирига айланди. Бу ерда замонавий автомобиллар, асбоб-ускуналар, тўқимачилик, халқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Пахта ва галладан, мева-сабзавотчиликдан ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Энг муҳими, табиий ресурсларга бой ушбу заминнинг меҳнаткаш аҳолиси юрт равнақиға ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқи билан яшамоқда.

### Андижон вилояти:

## «ОЛТИН ВОДИЙ»НИНГ САНОАТ МАРКАЗИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ушбу вилоятда ҳам иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол шахс этиб вояга етказиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараларини бугунги кунда барча соҳаларда — вилоят маркази, туман, шаҳар ва қишлоқларнинг кўркам жамолига ярашган кўчаларда, сифатли истеъмол маҳсулотлари тўлиб-тошиб турган деҳқон бозорларида, янги ва кўркам иморатлар, завод, фабрика ва фермер ҳўжаликларида бир маромда давом этаётган иш жараёнида яққол кўриш мумкин. Вилоятнинг қайси гушасига борманг, уларнинг барчасида юрт тараққиёти учун заҳмат чекаётган андижонликлар шижоатиға гувоҳ бўласиз.

турларни самарали амалга ошириш йўлидаги интилишлари вилоят салоҳиятини янада юксалтиришда айна мудоа бўлмоқда. Хусусан, Асака шаҳридаги автомобиль заводи мустақил Ўзбекистон эришган ютуқларнинг ёрқин бир далили ва салоҳиятининг яққол ифодасидир. Истиқлолнинг бешинчи йилида иш бошлаган ва юксак замонавий технология би-

лан жиҳозланган мазкур корхона янги автомобилсозлик давлатининг катта мақоши ва режаларини оламга намойиш этди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, қулай, кўркам ва тежамкор автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси худуднинг ўзига хос гавҳарига айланди. Негаки, у бугун оддий корхона эмас, балки янги ғоя ва инновациялар

маскани даражасига кўтарилди. Эътирофга лойиқ томонин, дунё тарихида бундай катта миқёсдаги вазифани қисқа вақт ичида муваффақиятли амалга ошириш камдан-кам учрайдиган воқеалардир.

Шунга мос тарзда 2010 йилнинг августидан бошлаб мамлакатимизда янги глобал платформадаги биринчи модель —

“Спарк” русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш “GM-Ўзбекистон” қўшма корхонаси қувватини ошириш баробарида, ишлаб чиқаришга энг сўнгги технологияларни жорий этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш имконини ҳам берди.

Хориж инвестициясини жалб этиш ҳисобига замонавий асбоб-

ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган бошқа бир қатор корхоналар, хусусан, иқтисодий тармоқларнинг аънанавий тармоқларидан бири — тўқимачилик соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган “Инвестекс” қўшма корхонаси ҳам андижонликларнинг фахри ҳисобланади.

### Иқтисодий ислохотлар самараси

Маълумки, иқтисодийнинг модернизация қилиш ва янгилаш, мамлакат тараққиётиға салмоқли ҳисса қўшишға қодир мулкдорлар синфини шакллантиришнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожисиз тасаввур этиш мушкул. Бинобарин, бугунги кунда Андижонда қарийб 40 мингта ишлаб чиқариш субъекти фаолият юритмоқда. Уларда иш билан банд аҳолининг 82 фоизи меҳнат қилаётир. Қўриқиб турибдики, иқтисодий тармоқларида кичик бизнеснинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Жумладан, саноатда бу 9,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 99 фоиз, пудратчилик ишлари ва чакана савдода мос равишда 95 ҳамда 52 фоизни ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида умумэътироф этилган демократик тамойилларга асосланган ҳолда инсон ҳўқуқларининг устуворлигини таъминлаш, шу жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш ва энг муҳими, жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ҳамда ўз вақтида тўхтатиш бўйича қораларнинг самарадорлигини кучайтиришға қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу маънода, жамият ривожининг қонуниятлари, давлатнинг жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашишға оид таъсирининг ўзига хос хусусиятлари тақомиллашган бугунги шароитда инсон ва жамиятнинг жиноий хуружлардан

умумий нормаларини белгиланган бўлиб, бундай тадбирларни амалга ошириш принциплари, ўтказишнинг аниқ механизми ва тартиби тизимли равишда қайд этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, соҳани тартибга солиб турувчи қонун ҳужжа-

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

ҳимоя қилишда тезкор-қидирув тадбирларининг ҳўқуқий асосини яратиш долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, тезкор-қидирув тадбирларини тартибга солувчи мавжуд қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш мақсадға мувофиқдир. Бугунги кунда тезкор қидирувни амалга оширишға ваколатли органларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва “Терроризмға қарши кураш тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддалари билан тартибға солиб келинмоқда.

Юқоридаги қонун ҳужжатларининг таҳлили ушбу соҳадаги қонунчилик базасини тубдан, тамомила янгича принциплар асосида ишлаб чиқишни тақозо этади. Чунки уларда тезкор-қидирув фаолиятиға оид

тини қабул қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мазкур муаммонинг ечими сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгиланган берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи илгартирилди.

(Давоми 2-бетда).

Сув — тириклик. Жами жонзотнинг кучу қуввати. Олимларнинг айтишича, инсон танасининг учдан икки қисми сувдан иборат экан. Мана, ҳозир ёз мавсуми. Ердан намни қочирмаслик учун юз усул бўлса, барини қўллаб турибмиз. Нам қочдимиз бас, гўзанин ҳосил туганаклари қотди, илдири қовжирайди. Оқибатда пахта ҳам, мева-чева ҳам, сабзавот ҳам — бариди ҳосилнинг катта қисми бой берилди. Аламлиси, ўн ойлик машаққатли меҳнат ҳавоға созурилди. Деҳқон кутган мўлжалиға етмайди.

Кўз юмиб бўлмайдиган яна бир ҳақиқат борки, у ҳам бўлса, минтақада анчадан бери кузатилаётган сув тақчиллиги.

Шўкр, сув ҳозирча бир нави этиб турибди. Ношўкрлик қилмаймиз. Тежаб-тергашға ўргандик. Томчиликни сўғоришни маромига етказаямиз. Сув ҳақиға дуо қилиб, хурматини бажо келтираямиз.

Эсимда. Ота-боболаримиз ўтган асрнинг 50-йиллариға қишда қалин қор ёққанини айтишарди. Унча-мунча қир-адирларда, ҳатто, март ойи охириға-ча ҳам қор ётган. Ер сувдан қониб, тирсиллаб турган...

Ҳозир-чи? Ҳозир иқлим ўзгараётти. Бутун дунёда ҳаво харорати шўкарлиб кетмоқда.

Тўғриси, шунча гапдан кейин ҳам худди атайин деҳқоннинг асабини бузиш, кўнглини хуфтон қилиш учун ўйлаб топилгандек Роғун ГЭСини қуришға киришилгани, рост гап, диёнатли кишининг иши эмас.

## СИЗ ҲАМ, БИЗ ҲАМ ДИЁНАТЛИ ОДАМЛАРИМИЗ!

Биласиз, ўзи сув Бухороға зўрға гилдираб келади. Ундан асраб-авайлаб фойдаланамиз. Қийинчиликлар билан бўлса, катта-катта хирмонларни кўтаришға муваффақ бўлиб юрибмиз. Лекин бу аждаҳосифат Роғун ГЭСи бунёд этилса, ундан кейин деҳқончилигимизни тасаввур қилмайман.

Урта Осиёда сув тоғларда ҳосил бўлади, кенгликлардан оқиб ўтиб, ризку насиба улашади. Шундай экан, икки табарруқ дарё минтақадаги ҳар бир миллат, элат, давлатнинг мултон қилиш учун ўйлаб топилган “Халқ сўзи” газетасида чол этилган “Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалға

оширишнинг оқибатлари тўғрисида” номли мақолани ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Халқро қонун қоидаларда ҳам чегараларни кесиб ўтади-ларнинг кимнингдир томорқасидаги қудуқ эмаслиги, қаердан ўтса — ўша жойдаги халқларға ҳам тегишли эканлиги белгилаб қўйилган экан.

Давлатимиз раҳбарининг Роғун ГЭСини қуришдан олдин маслаҳатлашиш, кенгашиш, халқро экспертизадан ўтказиш лозимлигини бот-бот уқтириб ўтаётганликларига эътибор бериб, мағзини қақиб, тегишли, асосли хулоса чиқариш вақти келди.

Яшириб нима қилдим, Роғун ГЭСининг зилзила ўчоғида қурилаётгани ҳам кўрқув-вахима уйғотди. Тўғон ёрилиб кетиб, 150 метрлик тўлқин қўтарилишини казо-казо мутахассислар таъкидлашаётти.

Ҳамма хонавайрон бўлиши мумкинлигидан ким манфаатдор? Сувсизликдан-чи?

Бухорони шариф шаҳар деб эъзозлашди. Бу заминда қўллаб азия-авиллар хоки ётибди. Улуғлар руҳини қирқиратиш гуноҳи қабир. Сўвға зулм қилиш Яратганнинг қаҳрини уйғотди. Миллионлаб одамларнинг дуосини олиш қанақа-ю, қарғишиға қолиш қанақа? Зеро, биз ҳам, сиз ҳам диёнатли, иймон-эътиқодли одамлармиз. Шу боис бир-биримизға яқинимиз, қадрдонимиз, жону жигаримиз.

Истагимиз, Роғун ГЭСини қуриш охири вой эканлигини барча бирдек англаб етсин. Минтақаимиздаги барча диёнатли, инсофли, меҳр-оқибатли одамларнинг фикри ҳам шу.

Қобил ҚўЛДОШЕВ, Вобкент туманидаги “Нуридан саҳнасти” фермер ҳўжалиги раҳбари.

Бир рақам шарҳи

## Ўз донимиз — беминнат нонимиз

### Мамлакатимиз галлакорлари

2011 йилда

дон мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик намунасини кўрсатиб,

6 миллион 800 минг тонна бугдой етиштирдилар.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Саломатлик ҳафталиги

Мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашға қаратилган кенг қўламли ишлар амалға ошириб келинмоқда.

Шу кунларда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” широи остида жойларда ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги ана шундай саъй-ҳаракатлар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирларда Республика иқтисодлаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари мутахассислари, олим ва малакали шифокорлар иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Мақсадли сармом фойдаси

НАМАНГАН. “Косон-сой тўқимачи” масъулият чекланган жамиятида яна иккита янги турдаги маҳсулот — жуни одеял ва поёбзал учун маҳсулот тайёрлаш ўлаштурурилди.

Ушбу лойиҳалар рўёби учун 282,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Натияжада бу ерда қўшмама 50 та иш ўрни яратилиши баробарида, йил бошидан бунён 507,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди.

Вилоятда 2011 йил учун мўлжалланган худудий инвестиция дастурининг олти ойлик ақунларига кўра, 10 та лойиҳа устида иш олиб борилиб, 7887,4 минг АҚШ долларлик сармом ўзлаштурурилди.

Қ. НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Жамғарма туҳфаси

БУХОРО. “Маҳалла” жамғармасининг вилоят бўлими 50 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғиниға компьютер жамланмаларини туҳфа этди.

Бунинг учун 80 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, 29 та ўзини ўзи бошқариш органи 20 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари билан жиҳозланди.

Бундай ҳимматдан кам таъминланган оилалар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Чунки, жорий йилнинг олти ойида шундай оилаларға 65 миллион сўмлик маблағ эвазига 56 бош қорамол олиб берилди.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

биқ этиш орқали шундай тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтдик.

Шуни ҳам айтиш жоизки, бундан 20 йил аввал, яъни совет тузуми даврида республикамизда тайёрланган галла тўлиғича давлат олдидаги мажбуриятни қоплаш учун топширилган, машаққатли меҳнат билан ҳосил этиштирган деҳқоннинг ўзи эса донсиз қилиб кетар эди. Бугун-чи? Деҳқон ва фермерларимизнинг манфаатдорлиги ортиб, хизматлари самарасини, энг аввало, ўзлари қўраштилди. Иботимиз? Бу йил мамлакатимизда тайёрланган умумий ҳосилнинг факатига 37 фоизи давлат олдидаги шартнома ни бажариш учун топширилган бўлса, 55 фоиздан ортиғи фермер ҳўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Бу деҳқонларимизнинг омбори донға, рўзғори кут-барақага тўлгандан далолатдир.

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва қуйи палата Матбуот хизмати ҳамкорлигида истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари ривожда парламентнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Унда юртимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш жараёни янги юрт раънаки, эл фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Хусусан, парламент ислохотлари натижасида демократик янгиланишлар янги погонага кўтарилди. Бу борада икки палатали тизимга ўтишни парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириб, қўнун чикарувчи ҳокимиятнинг чўнайишига замин яратди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қўнунларни ишлаб чиқадиغان ва қабул қиладиган қуйи

палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлими Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди.

Энг муҳими, тадбирда қайд этилганидек, қабул қилинаётган қўнун ҳужжатларининг сифати тўдан яхшиланди. Умуман олганда, бу минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик таъминланмоқда.

Анжуманда парламентнинг қўнун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришда қуйи палатанинг Демократик инсти-

тулар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳам фаол иштирок этиб келаётгани айтиб ўтилди.

Чўнчи, қўмита томонидан "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнунини қабул қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва унинг масъулиятлари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қўнунлариغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қўнунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Тадбирда қайд этилганидек, мушарраф йилларида аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қиладиган "ичинчи сектор", яъни фу-

қаролик жамияти институтлари жадал раванқ топиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Хусусан, Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Концепцияда қайд этилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қўнун лойиҳасининг ишлаб чиқилишини мазкур демократик ислохотларнинг манткий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, қўмита аъзолари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги фармоиши ва Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган қўнун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қўнун лойиҳасининг муқобили ишлаб чиқилди. Унда қўмитада иш олиб бораётган сиёсий партиялар фракциялари аъзолари фаол қатнашиб, партиялар мақсад ва дастурлари асосида ўз позицияларини билдирдилар.

қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тўзимлари билан ўзаро муносабатларининг асосларини белгилаш ҳамда ташкилий ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Анжуманда қўнунларнинг жойларда сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган қўмита назорат-таҳлил фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан,

қўмита томонидан ўтган давр мобайнида марказда ва жойларда амалдаги қўнун ҳужжатлари бажарилишини ўрганишга қаратилган парламент назорати, айниқса, парламент эшитиш амалиётидан унумли фойдаланилди. Уларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қамраб олинди.

Матбуот анжуманида қуйи палатадаги Бола ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази ва Олий Мажлис ҳузурда тузилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолиятига оид ахборотлар ҳам тингланди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб олдилар.

Сайджон МАХСУМОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, янги ишлаб чиқиладиган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қўнун лойиҳасида қўнуннинг мақсади тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш,

лаш лозим. Шу билан бирга, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишнинг асосий принциплари сифатида — қўнунлик, инсонларварлик, одиллик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шунингдек, ошқора ва ношқора усуллар орқали амалга ошириш қабиларни белгилаш керак.

дида қўнунда ахборот таъминоти ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ҳужжатлаштириш қоидаларини, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар маълумотларининг ошқоралик ва ҳимоя меъёрларини, бундай органларни молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш тартибини

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСINI ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

ушбу фаолиятнинг моҳияти ва асосий йўналишлари, уни ўтказиш ваколати берилишини тартибга солиш, умуминсоний кадрлар, конституциявий ҳуқуқлар ва шахс эркинликларига риоя этиш устуворлигидан қелиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий кафолатлар тизимини мустаҳкамлаш эканлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Қўнунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги ҳамда манфаатларини таъминлаш, жиноятларни амалга, олдини олиш, тўхтатиш ва очиш, уларга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан яширинган, жиноий ҳазони ўтқаздан бўйин товлал қўнундан бўйин қидирувини амалга оширишга қаратилган тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни тартибга солишга қаратилган вазибаларни мустаҳкам-

Мазкур вазибалар ва принциплари таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадга эришиш учун хорижий давлатларнинг шу соҳага оид қўнунчилик таърибасини ўрганиш, тезкор-қидирув ҳаракатларининг қатъий чегараланган рўйхатини, уларни амалга оширишнинг асослари ва шартларини, тезкор текширув материалларини тайёрлаш механизми ҳамда унинг таркибий қисмларини, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг тартиби ва юридик қучини ҳисобга олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг шакллари, асослари ва шартларини кўрсатиш, ушбу тадбирларни ўтказиш таъкидланган ҳолатларни белгилаш зарур.

Тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни амалга оширувчи органлар фаолиятининг самардорлигини кўчатириш мақса-

ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш билан боғлиқ бир қатор нормаларни белгилаш лозим. Хулоса ўрнида айтганда, Концепцияда илгари суртилган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қўнуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самардорлигини кўчатиришга, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини янада оширишга, энг муҳими, тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

**Эркин ҲАЙИТОВ**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қўнун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

## Саломатлик ҳафталиги

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, кардиолог, невропатолог, терапевт, уролог, травматологлар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар. Шу билан бирга, улар диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, хотин-қизлар ва ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга зарур тиббий ёрдам ва тавсиялар бериш, юқумли ва бошқа касалликларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

— Энг улўғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилаётган ушбу тадбирлар

замирида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек улўғ мақсад муҳассамдир, — дейди Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий маркази директори Фарҳод Оқилов. — Эътиборли жиҳати шундаки, ўтказилаётган тиббий текширувлар аҳоли ўртасида турли хасталикларни эрта аниқлаш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Мазкур ҳафталик давомида соғлом турмуш асослари, оилада тиббий маданиятни ошириш юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар ҳам ташкил этилаётди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

Тадбир

Айни кунларда пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган "Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳасининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтмоқда.

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ ОШМОҚДА

Унда Бухоро ва Навоий вилоятлари босма оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ёш журналистлар иштирок этаётди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда миллий матбуотни янада ривожлантириш, унинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яра-

тиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари, техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан қўнунчилик базасининг яратилгани бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.

Бу борада, айниқса, миллий медиа тармоғини янада раванқ топтириш, ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соҳа учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб-малакаси ва салоҳиятини янада юксалтириш масаласи доимий эътиборда. Жамоат фонди томонидан амалга ошириб келинаётган лойиҳалар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Мазкур лойиҳа иштирокчилари марказий нашр ва ахборот агентликлари фаолияти билан атрофлича танишадилар, турли учрашув ва семинар-тренингларда иштирок этадилар.

**О. ФАЙЗИЕВ.**

## Яхши хабарлар

**Жарқўрган туманидаги "Обод Истиқлол" маъсулияти чекланган жамияти маросимлар ўтказишга мўлжалланган муҳташам маъмуани бунёд этиб, фойдаланишга топширди.**

## Янги мажмуа

Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 150 миллион сўмлик маблаг сарфланди. Мухими, 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 362 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилгани натижасида 11712 та иш ўрни яратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Омадли тадбиркор

**Ўзбекистон туманилик Мунтазам Мухторова ёш бўлишига қарамастан, ўз бизнесини ташкил қилган омадли тадбиркорлардан.**

У раҳбарлик қилаётган "Қамолот келажак ёдуси" хусусий корхонасида бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Корхона маҳсулотлари бозорда туриб қолаётгани йўқ. 30 нафар йиллик чевар томонидан тайёрланган дастлабки 50 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ўз хариддорини топди.

Шунингдек, корхона қошида "Ал-Иморон Файз" ўқув маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Яқинда бу ерда касб-хунар коллежларининг 100 нафардан ортиқ ўқувчилари 6 та йўналиш бўйича амалиёт ўтадилар.

**Н. СОБИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътиборли томони, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудудий дастурлар доирасида вилоятда минглаб савдо-сотик ва маиший хизмат бинолари, 225 дан ортиқ замонавий ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Уларнинг аксарияти чекка туманларда жойлашганини алоҳида қайд этиш лозим. Пировадидан бу корхоналарда 2.1 миңдан зиёд киши иш билан таъминланди.

Шу билан бирга, вилоятда ка-

— Янги савдо мажмуасида сотувчи ва харидорлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди андижонлик Насиба Пўлатова. — Бу ердан юқори сифатли маҳсулотларни ҳам нақд пулга, ҳам пластик қарточка орқали харид қилиш мумкин.

Вилоятда қурилаётган Водий ёшлар маркази Истиқлолнинг 20 йиллик тўйи арафасида келажакимиз эгаларига ажойиб тўғфа бўлиши, шубҳасиз. Умумий майдони 18,6 гектарга тенг мазкур объектада қурувчилик соҳасида ном қозongan ташкилотлар бунёд-

ди. Бу эса халқ хунармандчилиги объектлари сонини 200 гагача етказиш имконини беради.

— Аждодларимиз темирчи ўтган. Шу касбни этагидан тутган отам болалигимдаёқ мени бу ерларга олиб келган, — дейди Камолжан ака Бойбобоев. — Ушандан бери темирчилик устахонасида ишлаб келаман. У пайларни ҳозиргидек шароитлар қарда эди, дейсиз? Мустақиллик туфайли бу жойлар кўз ўнгимда бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Нега деганда, бир-бири билан ҳизга жойлашган ва тутундан

## Ер ҳақиқий эгасини топди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори кишлок ҳўжалигида ҳам кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Шунга монанд равишда Андижон вилоятда минглаб фермер ҳўжаликлари ташкил этилган бўлиб, бугун улар самарали фаолият юритиб келмоқда. Фермер — кишлокнинг ҳаракатлантирувчи етакчи кучи эканлиги амалда ўз исботини топмоқ-



# «ОЛТИН ВОДИЙ»НИНГ САНОАТ МАРКАЗИ

питал қурилиш соҳасида эришилаётган катта миқдосдаги натижалар ҳам диққатга сазовордир. Биргина ўтаётган йилнинг ўзида вилоят марказидаги Ўзбекистон кўчасида 130 та кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди. Узига хос меъморий ечимга эга бу биноларнинг биринчи қаватлари савдо ва хизмат кўрсатиш, иккинчи-учинчи қаватлари эса офис ҳамда туранжойлар учун мўлжаллангани бугунги кун талаблари билан уйғундир. Бунинг учун 248 миллиард сўм миқдорда маблаг сарфланди. Мазкур катта миқдордаги сармоянинг 220 миллиард сўми хусусий тадбиркорлар, қолгани эса тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Энг азиз ва муқаддас байрамимиз — Мустақиллик кўни тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда Андижон шаҳридаги деҳқон бозорига олиб борилган янгилинишлар самараси ўлароқ, ҳудуддаги йирик савдо мажмуаси қад ростлади. Бу меҳмонлар ва маҳаллий аҳолини қувонтирган, шубҳасиз. Ушбу мажмуа таркибида 930 та стационар савдо нуқтаси, 167 та дўкон мавжуд бўлиб, уларда савдо-сотик ишлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Шу билан бирга, собиқ савзавот растаси реконструкциядан сўнг мутлақо янги қиёфа касб этиб, у нон ва нон маҳсулотлари савдо мажмуасига айлантирилди.



корлик ишларини олиб бормоқдалар. Марказ 315 ўринли умумтаълим мактаби, спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзасидан иборат ўқув ҳудуди ҳамда 16 та бежирим икки қаватли уй-жой биноларидан ташкил топади. Шунингдек, бу ерда аттракцион, амфитеатр, аквапарк, кафе ва истироҳат боғи қуриш ҳам режалаштирилган. Дам олиш масканидаги 3,8 гектарлик мевали боғ ва ўқув-ёрдамчи ҳўжалиги марказ ҳудудини яшилликка буркаб туриши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундай бунёдкорлик ишлари вилоят марказидаги хунармандчилик расталарида ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Хунармандчилик ва Ўзбекистон кўчасини бир-бирига боғлайдиган янги Арк ичи кўчаси бунёд этилмоқда. Ундаги икки ва уч қаватли бинолар ҳудуд хуснига ўзгача жозиб бахш этиши, шубҳасиз. Биноларнинг биринчи қаватларидан устахоналар ва савдо дўконлари жой ола-

қорайиб кетган устахоналар ўрнида замонавий иншоотлар эгалланмоқда. Бундан биз қувонмай, ким қувонсин? Аънанвий халқ хунармандчилигини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун кўрсатилаётган беқиёс эътибор ҳамда гамхўрликлар учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

